Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 27 октябрь, № 207 (6390) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган мазкур тадбир ўтган вақт мобайнида саноатчиларнинг йирик анжумани сифатида рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ички тармоқ ва тармоқлараро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу ярмарка иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, саноатни ривожлантиришда катта имкониятлар эшигини очиб бераётир. Чунки унда саноат корхоналари мутасаддиларига ўз маҳсулотларини кенгроқ намойиш қилиш, янги ҳамкорлар топиш, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш, қўшимча шартномалар имзолаш учун қулай шарт-шароитлар яратилаяпти. Шу боис тадбирда қатнашувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Масалан, дастлабки ярмаркада 224 та маҳаллий ва 50 та хорижий саноат корхонаси вакиллари иштирок этган бўлса, 2014 йилга келиб, уларнинг сони мутаносиб равишда 1700 ҳамда 1200 тадан ошиб кетди. Маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар ҳажми эса 1 миллиард сўмликдан 8,5 миллиард сўмликка етказилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида экспорт бўйича имзоланган шартномалар миқдори 7,2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

(Давоми 3-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг Ўзбекистон деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномаси ўз тақдирини ер билан боғлаб, ундан дур ундираётган қишлоқ одамларининг қалбига олам-олам қувонч улашди.

Юксак эътибордан миннатдормиз

Айниқса, Юртбошимизнинг “Дунёда ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ва миришкор инсонларни топишнинг ўзи қийин ва бу ҳақиқатни сиз, азизларнинг бу йилги беқиёс ютуқларингиз яна бир бор исботлаб турибди. Том маънодаги жасорат ва қаҳрамонлик намунаси бўлган олижаноб меҳнатингиз учун сиз, азизларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан”, деган сўзлари биз, фермерларнинг камтарона меҳнатимизга берилган юксак баҳодир.

Очиғи, бундай эътибор ва ғамхўрликдан нафақат мавсум машаққатлари унутилар, балки чарчоқлар ҳам чиқиб кетар экан. Чунки деҳқончилик учун ноқулай келган бу йилги обҳаво шароитида мўл пахта ҳосили етиштириш осон кечмади. Март ойида кутилмаганда қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлгани экин-тикин ишларини орқага суриб юборган бўлса, ёз ойларида ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетиши ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди. Бундай мураккаб шароитда, аввало, кўп йиллик тажрибага суяниб иш кўрганимиз, амалиётга илм-фан ютуқлари, интенсив агротехнологияларни қўллаганимиз ўз самарасини берди. Мамлакатимиз бўйича 3 миллион 350 минг тонна юқори сифатли пахта етиштирилди.

Кўплаб фермер хўжаликларида гектаридан 45-50 центнергача ҳосил олишга эришилгани қувонарли ҳолдир. Мен ҳам ана шундай илғор пахтакорлар сафида эканимдан беҳад хурсандман.

Қўлга киритилган ютуқларнинг омиллари ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ҳаракати ривожи учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани, моддий-техник таъминот яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қолаверса, барча агротехника тадбири ўз вақтида, сифатли бажарилгани айни муддао бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК

мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда

“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан.

Мамлакатимиз аҳолиси келажакда ҳам республикамизда миллатлараро тотувлик бардавом бўлишига ишонади. Ҳамюртларимизнинг эътироф этишича, Президентимиз Ислом Каримов томонидан жамиятда барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган оқилона ва самарали миллий сиёсат бунда муҳим кафолат вазифасини ўтайди.

Яқинда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ва унинг ривожланиш тенденциялари, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган омилларга бағишланган ижтимоий сўров натижалари буни тўлиқ тасдиқлади.

Охирги ўн олти йилдаги бу каби тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўзбекистонликлар учун осойишталик, барқарорлик, миллатлараро ҳамда фуқароларо ҳамжиҳатлик истиқлолнинг энг муҳим ютуқларидандир.

ИЖТИМОИЙ ФИКР

1999 йилда респондентларнинг 97,1, 2013 йилда 98,6 фоизи, 2015 йилда эса 99,6 фоизи ана шундай фикрни қайд этган. Юртдошларимиз давлат томонидан фуқароларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар, этник ҳамда диний бағрикенгликни миллатлар ва фуқаролар тотувлигининг муҳим омиллари, деб билади. Сўровда қатнашганларнинг фикрича, республикамизда амалга оширилаётган миллий сиёсат давлат қурилишининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унда бу ерда истиқомат қилаётган миллатларнинг қадриятлари ва ўзига хос урф-одатлари инобатга олинган.

Фуқароларимизда ўз юрти билан фахрланиш ҳисси юқори эканлиги тадқиқотда яққол ифодасини топди. Бу борада “Ўзбекистон ўзим туғилиб ўсган жонажон Ватанимдир” деган қараш устувор экани аҳамиятга молик дир.

(Давоми 2-бетда).

САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Одатда, олис манзил сари йўл олган сайёҳлар ўз кўнглидан кечиришни истаган ажиб бир ҳис бор. Бу — ҳайрат! Ана шу туйғунинг сеҳрли кучи билакка чексиз қувват, юракка битмас-туганмас ғайрат бағишлайди. Шунда инсон қалбидаги эзгу ниятлар қатъий ахдга айланади. Мўъжизалар оҳанрабоси эса минглаб чақирим йўлни минг қадам масофага айлантиради гўё.

Бугун жаннатмонанд заминимиздаги кўҳна обидалар, муқаддас қадамжолар ҳамда замонавий иншооту масканларни мароқ билан томоша қилаётган сайёҳларни кўриб, бунга яна бир бор иқрор бўлишимиз, шубҳасиз. Муҳими, улар юртимиздаги янгиланишлар қаршисида лол қолиб, Ўзбекистонда ўтган қисқа даврда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганини такрор-такрор эътироф этмоқда.

Хусусан, икки минг етти юз йиллик тарихга эга Қарши шаҳридан ҳам кейинги йилларда меҳмонлар қадами узилмайди. Негаки, бир пайтлар яйдоқ кенгликлардан иборат бўлган ушбу кентдаги мислсиз бунёдкорлик ва янгиланишлар уларда чинакам ҳайрату ҳавас уйғотаётир.

Қарши шаҳрининг Мустақиллик номи билан аталувчи бош майдони — ана шундай гавжум манзиллардан бири. Бу ернинг ўзига хос ландшафт дизайни, замонавий меъморий ечими ҳамда мусиқа оҳангларига уйғун равишда, камалак рангида товланувчи жилвакор фавваларини кўриб, кўз қувнайди.

Майдон тўрида “Эл-юрт таянчи” монументи қад ростлаган. Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган ушбу ёдгорлик ўзбек оиласига, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган Қашқадарё халқига қўйилган бебаҳо обидадир. Ундаги ҳар бир сиймо ва бадиий чизгилар халқимизнинг кўп асрлик тарихи, ўзбек оиласининг мардлиги ва матонатидан сўзлайди.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2015 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда мустаҳкам иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Шу йилнинг бошида қабул қилинган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг ижроси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дастур хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, иқтисодиётда унинг улуши ва аҳамиятини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия истеъмоли ҳажмини камайтириш ҳамда энергия тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган еттита ўзаро боғлиқ стратегик дастурий ҳужжатни ўз ичига олган.

I. Етакчи саноат тармоқларини таркибий ўзгартиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, модернизация қилиш ва фаол диверсификациялаш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш

Жорий йил 9 ойи якуни бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 8 фоиз, саноат маҳсулотлари 7,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 ва хизматлар ҳажми 12,9 фоиз ўсди.

Бунда мамлакат ташқи савдо айланмасининг 217,8 миллион долларлик ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,8 фоиздан 16,6 фоизгача изчил камайишига эришилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида банклар умумий капиталини 23,9 фоиз ва уларнинг активларини 27,4 фоиз ошириш бўйича ижобий ўсиш суръатлари сақланди. Бунинг самарасида мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси энг кам халқаро стандартлардан 3 баробар ошадиган меъёрга мос келади, банк тизимининг ликвидлик даражаси эса энг кам талаблардан 2 баробар ортиқдир.

Жорий йил бошидан буён Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасининг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига кредит ажратиш ҳажмини 30,1 фоиз кўпайтириш имконини берди. Бунда умумий кредитларнинг 79,7 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш, шунингдек, ҳудудлар саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 28,5 триллион сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 9,9 фоиз ошди.

Инвестициявий фаолликнинг ўсиши ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 9,3 мингдан зиёд якка тартибдаги уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар қурилиш ишлари ҳажмини 18,7 фоиз ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикасини 2015 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2014 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,0
Саноат маҳсулотлари	107,3
Истеъмол товарлари	110,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,6
Ўзлаштирилган инвестиция ҳажми	109,9
Қурилиш ишлари	118,7
Чакана савдо айланмаси	115,0
Пуллик хизматлар	110,4
Жами хизматлар	112,9

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2,4 миллиард доллари ёки 21,1 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар (ўсиш 11 фоиз), жумладан, 1,8 миллиард долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ўсиш 7,4 фоиз) ташкил қилди. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 514 миллион доллардан ортиқ маблағи ўзлаштирилди.

Капитал қўйилмалар таркибида нисбатан кўп улушни хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ташкил қилди (30,5 фоиз) ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 20,7 фоиз ўсди. Бу эса корхоналар 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурлари ижросига фаол жалб қилинаётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2015 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йил бошидан буён 3440 янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва замонавий инфратузилма объектларини барпо этишга қаратилган, умумий қиймати 888 миллион доллардан зиёд 76 йирик инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилди. «GM-Uzbekistan» акциядорлик жамиятининг «Хоразм вилоятида «Лабо» автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Помиқ» сиқув компрессор станциясини модернизация қилиш», «Қултоқ» конини такомиллаштириш орқали «Мотор заводи» акциядорлик жамиятининг бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари базасида алюминий ва пластмасса буюмлари, маиший техника учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси учун ташқи инфратузилма объектларини қуриш», «Мароканд — Қарши» темир йўл участкасини электрлаштириш (I босқич)», «Самарқанд — Қарши» темир йўл линияси участкасида тез ҳаракатланадиган йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш (I босқич)» ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг турини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида жорий йил бошидан буён истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуна харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш учун тижорат банклари томонидан 3,4 триллион сўмдан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредит ажратилди. Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 20,9 фоиз кўпайди.

Жорий йил тўққиз ойида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган енгил саноат (ўсиш 17,7 фоиз, жумладан, трикотаж маҳсулотлари 14, тикувчилик 19,6 ва чарм маҳсулотлари 22 фоиз), озиқ-овқат саноати (16,7 фоиз) ва қурилиш материаллари саноати (15,9 фоиз) саноат маҳсулотлари кўпайишига катта ҳисса қўшди.

Технологик жараёнлар ва хом ашё ҳамда материаллар сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотиш ва ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф қилишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида шу йил бошидан буён йирик корхоналарда 2,1 мингдан зиёд маънан ва жисмонан эскирган ускуналар алмаштирилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 10,4 фоиз камайтирилди ва саноатда меҳнат унумдорлиги 5,6 фоиз оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги 2343-қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфини камайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш ва энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари давом эттирилди. ISO 500001:2011 «Энергетика менежменти тизими. Фойдаланиш талаблари ва қўлланмаси» янги давлат стандарти ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Олий таълим тизимида «Энергетика аудити ва саноат корхоналарини энергетик тадқиқ қилиш» мутахассислиги бўйича янги йўналиш очилди.

II. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 февралдаги 2298-қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш имконини берди. Дастур доирасида умумий қиймати 5 миллиард доллардан ортиқ 602 маҳаллийлаштириш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ва талаб юқори бўлган 1225 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йил бошидан буён Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 667 лойиҳа бўйича қиймати 2,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1 миллиард доллардан ошди.

Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида 785 турдаги янги маҳсулотлар, жумладан, компрессор агрегат эҳтиёт қисмлари ва узеллари (марказдан қочирма ва поршень маҳсулотлари), мотор мойлари, гидравлика учун суюқлик, шахта вагончалари, экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлар, маиший техника бутловчи қисмлари, янги турдаги музлаткич ва совутқичлар, электр печлар (минипечлар), маиший чироқлар, энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар, спорт тренажёрлари, самокатлар, болалар велосипедлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан жорий йилнинг тўққиз ойида «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси, «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамияти, «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва бошқа тизимдаги корхоналарда импорт ҳажмини 299,4 миллион долларга қисқартиришга эришилди.

Ташқи бозорда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 830 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Жаҳон бозорида беқарорлик ва экспорт қилинадиган асосий товарлар нархининг номувофиқ конъюнктураси сақланиб қолаётган шароитда ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида 2015 йил бошидан буён автобус, оқ цемент, суюқ ва газсимон аргон, травертин ва сопол кошинлар, маиший газ, электр ва комбинацияланган плиталар, автомобиль ўриндиқлари, автомобилларнинг штампаланган деталлари, пайвандлаш ускуналари, янги турдаги консерваланган маҳсулотлар ва бошқа турдаги қиймати 102 миллион доллардан зиёд 199 турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди.

Шу билан бирга, экспортга маҳсулот етказиб бериш қўламини диверсификация қилишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ўтган даврда 49 янги товар бозори, жумладан, Туркияда (юк автомобиллари, автобуслар), Бразилияда (автомобиль чироқлари), АҚШда (рений, алкоголь маҳсулотлари), Кореяда (автомобиллар учун бутловчи қисмлар, ишлов берилган чарм), Нидерландия ва Ҳиндистонда (молибден), Буюк Британияда (кабель-ўтказгич маҳсулотлар) ва бошқа бозорлар ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, Африка ва Жанубий Американинг илгари савдо муносабатлари ўрнатилмаган 13 давлатига (Ангола, Уганда, Бенин, Чад, Либерия, Камерун, Маврикий, Мадагаскар, Сомали, Марказий Африка Республикаси, Доминикан Республикаси) минерал ўғит, каолин, енгил автомобиллар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.

«Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан йил бошидан буён ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш бўйича 1133 корхонага маслаҳат хизматлари кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти ва халқаро талабларни жорий этиш бўйича 29 халқаро шартнома тузилди.

III. Ривожланган инфратузилма, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизимларини ташкил этиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш

Жорий йилнинг ўтган даврида 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурига киритилган лойиҳалар жадал амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 1 триллион сўмдан зиёд маблағ, жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 605 миллиард сўм ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий заёмлар ҳисобидан 166 миллион доллар ўзлаштирилди.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида узунлиги 194,3 километрлик темир йўл қайта тикланди, локомотивларнинг 40 секциясида капитал таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди, 1258 юк вагони таъмирланди ва қайта тикланди, 460 юк ва 17 йўловчи ташиш вагони тайёрланди. «Мароканд — Қарши» ва «Қарши — Термиз» темир йўл участкаларини электрлаштириш, «Ангрен — Поп» янги темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун 390 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Умуман, жорий йилнинг тўққиз ойида барча турдаги транспорт воситаларида юк ташиш ҳажми 4,3 фоиз, жумладан, темир йўл орқали 2,6, автомобилда 4,8, ҳаво транспорти ёрдамида ташилаётган юк ҳажми 1,5 фоиз кўпайди.

2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён замонавий технологиялар асосида 1,5 минг километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Айни пайтда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 757 провайдер ва оператор хизмат кўрсатмоқда, 294 корхона дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги Иқтисодиёт реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, шу йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича 24 акциядорлик компанияси, бирлашма ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга доир 48 лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари порталини модернизация қилиш ва кенгайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда Ягона порталга давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимиятининг 990 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига ҳисобот топширишнинг электрон тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида солиқ ва статистика ҳисоботларини тўлиқ электрон шаклда топширишга эришилди. Бундан ташқари, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг контактсиз электрон шакллари татбиқ этилиши самарасида жорий йил бошидан буён Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 36,3 минг тадбиркорлик субъекти интернет орқали рўйхатга олинди.

Олий хўжалик суди 2015 йил бошидан буён электрон шаклда тақдим этилган 46 мингдан ортиқ даъво аризаси ва илтимосномаларни кўриб чиқди, суд иши иштирокчиларининг 37 мингдан зиёд хабарномаси ва суд ҳужжатлари электрон шаклда юборилди, 2,7 мингта суд мажлиси видеоконференция режимида ўтказилди. Бу, ўз навбатида, хўжалик субъектларига 1,7 миллиард сўмни тежаб қолиш имконини берди.

IV. Иқтисодиётда давлат иштироки даражасини қисқартириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва кафолатларини кучайтиришни назарда тутадиган норма ва тартиб-таомилларни жорий этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш ва кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур Дастурни амалга оширишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Ушбу Қонунга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахлдор 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати Қонун асосида тасдиқланди ва мазкур рўйхатда кўзда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди. Белгиланган тартибга мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорларга юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият турига қараб, биттадан учтагача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди.

Хусусий тадбиркорликнинг қонуний ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга доир чора-тадбирлар доирасида Бош прокуратура томонидан давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига оид масалалар юзасидан мурожаатларни узлуксиз (туну кун) қабул қилиш тизими жорий этилди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларни кенг ёритиш мақсадида шу йилнинг сентябрь ойида «2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзуида республика конференция-семинари бўлиб ўтди. Вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари, банкларнинг 200 дан ортиқ раҳбари, 300 дан зиёд хусусий тадбиркорлик вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларини амалда сўзсиз қўллашини таъминлаш борасидаги вазифалари муҳокама этилди. Вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари, тижорат банкларининг ҳудудий бўлимлари раҳбар ҳамда мутахассислари иштирокидаги ана шундай тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес субъектларига 9,6 триллион сўм кредит, бу 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўп ва 2 триллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Халқаро молия институтларининг 134,8 миллион доллар миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди.

«ЎзРТХБ» акциядорлик жамиятининг махсус ахборот портали орқали электрон савдолар ёрдамида тадбиркорлик субъектларидан зарур товарларни (ишлар, хизматлар) давлат томонидан харид қилишни ташкил этишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Шу йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб бериш учун аккредитациядан ўтган кичик бизнес субъектлари умумий сони 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 баробар кўпайди ҳамда 35,6 минг субъект ёки давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 98,1 фоизини ташкил қилди.

Хусусий тадбиркорларнинг хом ашё ресурсларидан фойдаланиш механизмлари соддалаштирилгани самарасида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан биржа савдолари орқали сотилган маҳсулотлар ҳажми 18,4 фоиз кўпайди ва қиймати 1423,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Улар 3347,7 миллиард сўмлик маҳсулот харид қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,5 фоиз ўсди.

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 523 тадбиркорлик субъектига қиймати 980 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашди. Бундан ташқари, 68 тадбиркорлик субъектига 1,5 миллиард сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилди ва хорижлик харидорлар топиш ҳамда умумий қиймати 11,6 миллион долларлик экспорт шартномалари имзолашга ёрдам берилди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни янада кучайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар жорий йилнинг тўққиз ойида 21,4 мингта янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 фоиз кўпдир). Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари (умумий кўрсаткичнинг 35,9 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (30,2 фоиз) ҳамда қурилиш соҳасида (11,5 фоиз) нисбатан кўп кичик бизнес субъекти ташкил этилди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53,6 фоизгача (2014 йилнинг шу даврида 52,9 фоиз бўлган), саноатда 34,6 фоизгача (31,1 фоиз), пуллик хизматларда 49,3 фоизгача (47 фоиз) ва бандликда 77,5 фоизгача (77,1 фоиз) ошди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан давлат акцияларининг 411 пакети ва хўжалик жамиятлари улуши, шунингдек, 836 бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлар, жумладан, 512 объект инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан «ноль» харид қиймати бўйича ошкора савдоларда сотиш чоралари тасдиқланди.

Ўтган даврда давлат акцияларининг 204 пакети савдога қўйилди, улардан хусусий мулкдорларга акцияларнинг 38 пакети сотилди. 324 бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектининг 88 таси ошкора савдоларда сотилди. Оммавий ахборот воситаларида «ноль» харид қиймати бўйича сотувга қўйилган 512 объектга доир танлов савдоларини ўтказиш шартлари эълон қилинди ва бирламчи савдолар якунига кўра, 490 объект 11,7 миллион доллар ва 559,6 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан сотилди.

Давлат мулкининг фойдаланилмаётган объектларида ўтказилган инвентаризация натижаларига кўра, хусусий тадбиркорлик субъектларига нотураржой фондининг 17,8 мингта фойдаланилмаётган биноси ижарага берилди.

Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, давлат мулкини хусусий мулкка сотиш бўйича аввал қабул қилинган дастурлар инобатга олинган ҳолда, шу йилнинг тўққиз ойида умумий қиймати 89 миллиард сўм бўлган 729 давлат активи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун 24 миллион доллардан зиёд ва 621 миллиард сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан хусусий мулкдорларга сотилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга доир дастурий чоралар билан бир қаторда, жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-Фармонига мувофиқ, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив менежмент услублари жорий этилди. Жумладан, 623 акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмасига мослаштириш чоралари кўрилди.

Корпоратив бошқарув ва менежмент соҳасида мутахассислар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг малака даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги 2414-қарорига мувофиқ, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

Ушбу соҳага ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш зарурлиги ҳисобга олиниб, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ва Европа менежмент ва технологиялар мактаби (Германия) — ESMT ўртасида германиялик мутахассислар иштирокида ўқув-таълим дастурларини ўтказиш ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи компанияларида малака оширишни ташкил қилиш тўғрисида шартнома тузилди.

V. Аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш учун зарур шароитлар яратиш

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар билан бирга, шу йилнинг ўтган даврида аҳоли бандлигини юксалтиришга хизмат қилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 748,7 минг янги иш ўрни яратилди. Бунда 451,6 мингта янги иш ўрни (умумий миқдорнинг 60,3 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Яратилган иш ўринлари умумий сонининг 163,7 мингтаси мақсадли дастурларни амалга ошириш, 213,5 мингтаси кичик корхоналар ва микрофирмаларга тижорат банклари томонидан кредит ажратиш, 82,7 мингтаси якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 176 мингтаси касаначиликни ташкил этиш, 112,8 мингтаси фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан ташкил қилинди.

Алоҳида тармоқларда иш билан банд аҳоли сонининг кўпайиши натижасида кичик бизнес соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4609-Фармонига мувофиқ, шу йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат, енгил саноат, чарм маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарда 7 мингдан зиёд қўшимча янги иш ўрни яратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини, хусусан, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш асосида янада такомиллаштириш чора-тадбирлари 370,5 минг битирувчини иш билан таъминлаш имконини берди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 7,7 минг уруш ва меҳнат фронти фахрийси, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий кўмакка муҳтож қарияларнинг яшаш шароитлари яхшиланди, коммунал хизматлар бўйича 2,6 миллиард сўмлик компенсация тўловлари тўланди.

Шу йилнинг тўққиз ойида 205 мингдан зиёд фахрий тиббий кўрикдан ўтказилди. 151 минг фахрий амбулаторияда, 16,7 минг нафари кундузги бўлимларда, 2 минг нафари ихтисослаштирилган республика тиббиёт муассасаларида даволанди. 9,6 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийси, 28,3 минг нуроний, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа фуқаролар санаторийларда ўз саломатлигини тиклади.

Умуман, жорий йил бошидан буён «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга барча манба ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Юқори даражадаги иқтисодий фаоллик аҳоли бандлигини кенгайтириш ва фаровонлигини юксалтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар билан биргаликда ўртача иш ҳақини 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 17,1 фоиз, пенсияни 20,7 фоиз ошириш имконини берди.

2015 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари мамлакатимизда ҳар томонлама пухта ўйланган тараққиётнинг «ўзбек модели» ҳаётга изчил ва мақсадли жорий этилаётгани самарасида жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган инқирозли ҳодисаларга ва глобал иқтисодий ривожланиш суръатлари сусайганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганидан далолат беради.

Бугун Ўзбекистон Республикаси дунёда иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган давлатлар орасида бешинчи ўринни банд этиб турибди ва бу жаҳон ҳамжамияти ҳамда халқаро молия институтлари томонидан кенг эътироф этилмоқда. 2015 йилнинг сентябрида Халқаро валюта жамғармасининг IV Моддага мувофиқ маслаҳатлари якунлангач, жамғарманинг Ижрочи директорлари баёнотида «Ўзбекистон сўнгги йилларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этиб, ҳукумат макроиқтисодий сиёсатни эҳтиёткорлик билан амалга ошираётгани ва улар бюджетнинг соғлом мувозанатини, ташқи захиралар юқорилигини ҳамда давлат қарзининг паст даражасини таъминлаётгани»ни юқори баҳолади. Шунингдек, «фаол давлат инвестициялари Ўзбекистон Республикасини минтақанинг бошқа мамлакатлари бошдан кечираётган суст ривожланишдан ҳимоя қилгани» таъкидланди.

2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг асосий йўналишларини жадал амалга ошириш учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш асосида жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва келгуси йилларда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мустаҳкам асос яратиш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК

мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртдошларимизнинг она-заминимиз ҳақидаги тасаввурлари унинг бетакрор қиёфаси, тарихий илдизлари ва аждодларимизнинг бой мероси билан боғлиқ туйғуларга уйғунлашиб кетган. “Ўзбекистон фуқароси эканингиздан қалбингизда қандай туйғулар кечади?” деган саволга респондентларнинг аксарияти “Фахрланиш” деб жавоб қайтаргани ана шундан далолат беради. Мазкур кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бораётир. Хусусан, 2010 йилда сўровда қатнашганларнинг 76,8, 2015 йилда 89,5 фоизи шу фикрни билдирган. Барча ёш гуруҳи вакиллари Ўзбекистон фуқароси эканликларидан қалбларида ифтихор туйишларини алоҳида таъкидлаганлар.

Респондентларнинг мутлақ катта қисми (98,5 фоизи) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётганини юксак баҳолайди. Зеро, Асосий Қонунимизнинг бу борадаги қоидаларига сўзсиз риоя этилаяпти.

Айни пайтда сўров аҳоли ўртасида давлат тилини билиш бўйича барқарор ижобий динамикани яна бир бор кўрсатди. Зеро, нафақат ўзбек тилини биладиган, балки уни ўрганиш истагидаги фуқаролар сони ҳам ошмоқда.

“Ижтимоий фикр” маркази томонидан узоқ йиллардан бери олиб борилаётган бу сингари тадқиқотлар жамиятдаги ўзаро тотувлик барқарорлиги миллатлараро муносабатларнинг асосий жиҳати эканини тасдиқлаш имконини беради. Республикамиздаги барча миллат ва элат вакиллари мазкур фикрни қўллаб-қувватлайди. Агар 2003 йилда сўров қатнашчиларининг 80,1 фоизи Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни “жуда яхши” ва “яхши” деб баҳолаган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 83,7, 2015 йилда 94,8 фоизга етган.

Юртимиз аҳолиси Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тараққиётини сақлашни жуда муҳим, деб таъкидлайди. Сўров аҳолимиз 24 йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида мазкур соҳаларда эришилган ютуқларга юқори баҳо беришини яна бир бор кўрсатди.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида С. МАХСУМОВ тайёрлади.

Юксак эътибордан миннатдормиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, бизнинг фермер хўжалигимизда ғўзанинг “Наманган-77” нави парваришланди. Экинни суғоришда, асосан, “шарбат” усули қўлланилгани туфайли сувни тежашга, намликни узоқ сақлашга, энг муҳими, ҳосилни тўлиқ асраб қолишга эришдик. Натижада давлатга шартномадагидан 85 тонна кўп, яъни 585 тонна пахта сотдик. Шунинг 480 тоннаси биринчи навга қабул қилингани эса даромадимиз янада юқори бўлишини таъминлайди, албатта.

Табрикномада қайд этилганидек, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи аграр соҳа олдига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш, интенсив боғлар ва маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш, замонавий ва тежамкор агротехнологияларни жорий этиш каби долзарб масалалар ана шулар сирасига киради.

Бу борада вилоятимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Аграр соҳада юз бераётган бундай янгиланиш ва ўзгаришлар, эзгу ташаббуслар биз, фермерларнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янги-янги марралар сари руҳлантираверади.

Лолахон МУРОТОВА,
Олтиариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.

ТАРМОҚЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, ярмарканинг икки босқичда ўтказилаётгани ҳудудларда саноатни ривожлантириш баробарида, тармоқлараро ва ташқи алоқаларни шакллантириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб бермоқда. Бошқача айтганда, у ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаяпти.

Жорий йилги ярмаркада иқтисодиётимизнинг автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефтькимё, озиқ-овқат, енгил саноат, фармацевтика сингари тармоқларидан 2 мингдан зиёд компания, корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотларини кенг намойиш этмоқда. Бунинг учун "Ўзэкспомарказ"нинг 6 та кўргазма зали, 2 та атриум, очиқ майдончалари ва конференция заллари улар ихтиёрига берилган. 20 минг квадрат метрлик ҳудудда эса янги ишланмалар, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар жойлаштирилган.

— Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун қулай имкониятдир, — дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг бошқарма бошлиғи Равшан Ортиқов. — Мисол учун, ўтган йилги ярмаркада корхоналаримиз томонидан 425 миллиард сўмлик шартнома тузилган эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 520 миллиард сўмга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Ўйлайманки, бу эзгу ниятимизга эришамиз. Нега деганда, "Elektrqishloqqurilish" акциядорлик жамиятининг темир-бетон таянчларига, "Nanotech Industries" ҳамда "Egl-Nur" қўшма корхоналарининг шиша толали композит материаллари, диодли ёритқичларига дастлабки кунданоқ қизиқиш билдирилмоқда.

Шунингдек, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иштирокчиларига ички тармоқ ҳамда тармоқлараро корхоналар хусусида тўлиқ маълумот бериш мақсадида 70 дан зиёд тақдимот маросимлари ўтказилиши режалаштирилаётгани диққатга сазовордир.

— Чиндан ҳам, мазкур ярмарка биз, тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда, — дейди "Toshkent Rezina" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дурбек Исломбеков. — Чунки айнан шу тадбир туфайли харидорларимиз сафи йил сайин кенгаймоқда. Айтайлик, болтурги ярмаркада "Сувмаш", "Навоийазот", "Қуюв механика заводи" сингари ҳамкорларимиз билан маҳсулот етказиб бериш бўйича 400 миллион сўмлик шартнома тузишга муваффақ бўлган эдик. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 1 миллиард сўмликка етказишни кўзлаб турибмиз.

Бундан ташқари, IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида истеъмолчиларга маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ҳамда материалларни қўшимча тендерларсиз, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш бўйича ҳам барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, маҳсулотни етказиб бериш борасидаги шартномалар ярмарка дирекцияси рўйхатидан ўтказилиб, реестрга киритилади.

Шу билан бирга, жорий йилги ярмаркада 50 дан ортиқ мамлакатларнинг 1300 дан зиёд фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этаётгани, қатнашчиларга божхона, солиқ қўмиталари, банклар, суғурта компаниялари, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш ташкилотлари томонидан "on-line" шаклида хизматлар кўрсатилаётгани унинг ҳар қачонгидан-да самарали ўтишидан далолат беради.

Бухоро вилоятидаги "Шаҳбоз-Шаҳром" хусусий фирмаси раҳбари Муҳаббат Тешаеванинг айтишича, буларнинг барчаси нафақат янги ҳамкорлар топиш ёки ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда, балки бугунги рақобат кучайган бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларни янги марралар сари ундамоқда.

Ярмарка доирасида турли учрашув ва семинарлар ташкил этилиши ҳам режалаштирилган.

IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ғ. Ибрагимов ва У. Розуқулов иштирок этди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хизмат кўрсатишдан — ишлаб чиқаришга

Тайлоқ туманидаги "4-механизациялашган кўчма колоннаси" корхонаси жамоаси қурилиш соҳасида катта тажрибага эга. Хусусан, Самарқанд вилоятининг бир нечта шаҳар ва туманларида қад ростлаган мактаблар, тиббиёт муассасалари ҳамда спорт мажмуалари — уларнинг меҳнати маҳсули.

ИНТИЛИШ

Яқинда кичик бизнес субъекти фаолияти кенгайтирилиб, корхона қошида "Сам механик кўчма карвон" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган темир-бетон маҳсулотлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

— Қурилиш материалларимиздан намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ҳамда бошқа биноларнинг том қисмини ёпишда кенг фойдаланилаяпти, — дейди корхона раҳбари Толиб Зугуров. — Ўтган қисқа даврда 2 минг дона ана шундай маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдик. Бундан ташқари, жамиятимиз қошида замонавий эшик-ромлар ишлаб чиқариш цехини ҳам ишга туширдик. Эндиликда деворбоп материаллар тайёрлашни ўзлаштиришни режалаштираяпмиз.

Айтиш жоизки, туманда жорий йил бошидан буён биргина саноат йўналишида 36 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 445 кишининг бандлиги таъминланди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«Universal realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 21 ноябрдаги ЖСХ-1-529/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 16-уйда жойлашган «Сити Макон» савдо ва кўнгилочар болалар мажмуаси ҳамда қўшимча аниқланган молмулклар мажмуа ҳолида қўйилади.

Объект эгаллаб турган ер майдони 92 000 кв.м., бино-иншоотлар — майдони 6085 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 17 089 006 148 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да тўхтатилади. Кўчмас мулклар 2015 йил 26 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2015 йил 3, 10, 17, 24, 30 декабрь кунлари, ушбу кунларда ҳам сотилмаган тақдирда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

2. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги нотураржой кўчмас мулк объектлари такроран қўйилмоқда:

* 2013 йил 3 июндаги 16556-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуаси 2-қаватида жойлашган, умумий майдони 125 кв.м. бўлган савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 786 801 556 сўм.

* 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, «Олой бозори» савдо мажмуасининг Блок «А» қисмида жойлашган, умумий майдони 76 кв.м.дан иборат бўлган бир хонали савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 484 088 920 сўм.

* 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронқўл кўчаси, 84-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1448 кв.м. бўлган тураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 12 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги МФО: 00445, СТИР: 302269399, 20208000104975228001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт: аукционда иштирок этиш тўғрисидаги ариза, закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси, белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун), хорижий юридик ва жисмоний шахслар сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар. Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Қўшимча маълумот олиш манзили: «Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru

16008/609

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни **www.1kms.uz** сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-24.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 27 январдаги 19-1402/23169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Боғаро маҳалласида жойлашган, «Қумқўрғон МТП» АЖга тегишли, ер майдони 18862,59 кв.м., 21 хонадан иборат бўлган 2 қаватли (А, 2В, 3Д, 4Г, 5З, 6И, 7И, 8К, 9Л, 10М, 11Н, 12О, 13Р, 14С, 16У-литерлар) маъмурий ва ёрдамчи бинолар.

Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.

2. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 4 августдаги 19-1404/22422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Боғаро маҳалласида жойлашган, «Анварбек Элдорбек» КТХФга тегишли, ер майдони 40015,48 кв.м., 35 хонадан иборат бўлган 1 қаватли кичик ёғ заводи биноси.

Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.

3. ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 25 апрелдаги 1-1081-2014-сонли ва ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 28 апрелдаги 1-1081-2014-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Янги қишлоқ маҳалласида жойлашган, «Жайлов Ҳожи Бобо» фермер хўжалигига тегишли, ер майдони 4200,00 кв.м. бўлган 2 қаватли дала шийпони ва молхона бинолари.

Бошланғич баҳоси — 134 295 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 июлдаги 19-1303/11949-сонли, 2014 йил 18 мартдаги 19-1407/921-сонли, 2012 йил 4 апрелдаги 19-1208/1270-сонли ва ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 26 январдаги 846-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Бўстон» ҚФЙ, Зарбдор маҳалласида жойлашган, «Хўжойпок» туманлараро ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Ер майдони 138,10 кв.м. бўлган 12 хонадан иборат, 1 қаватли маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 35 377 872 сўм.

2. Ер майдони 132,0 кв.м. бўлган 2 қаватли қурилиши тугалланмаган бино.

Бошланғич баҳоси — 18 344 428 сўм.

III. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 мартдаги 19-1502/697-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчасида жойлашган, «Mubin Ali Abdulloh» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 523,59 кв.м., 20 хонадан иборат бўлган 1 қаватли ошхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 163 000 000 сўм.

IV. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 12 апрелдаги 19-1306/3130-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 352-уйда жойлашган, «Денов автошоҳбекат» МЧЖга тегишли, ер майдони 13,0 кв.м., А5-литер 2-корпусининг 25-хонаси, автошоҳбекат бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 15 650 809 сўм.

V. Аукцион савдосига Олтинсой тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 январдаги 19-0907/15436-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Олтинсой» ҚФЙ, Гулистон маҳалласида жойлашган, «Олтинсой парранда» шуъба корхонасига тегишли, фойдаланиш майдони 268,64 кв.м., 7 хонадан иборат бўлган, 1 қаватли Л ва К литерлардаги хизмат уйи (маъмурий бино) ҳамда темир бостирма (навес) қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 32 450 106 сўм.

VI. Аукцион савдосига ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 16 октябрдаги 1-1846-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Ипоқ маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 11 хонадан иборат бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 61 781 250 сўм.

VII. Аукцион савдосига ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 21 майдаги 1-1801-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Қорлиқ» ҚФЙ, Марказ маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 10 хонадан иборат бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 673 000 сўм.

VIII. Аукцион савдосига ФИБ Денов туманлараро судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-2809-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Олтинсой» ҚФЙ, Янги қурилиш маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 9 хонадан иборат бўлган А ва Б литерлардаги тураржой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 73 454 500 сўм.

IX. Аукцион савдосига ФИБ Денов туманлараро судининг 2011 йил 14 сентябрдаги 1-2806-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Чеп» ҚФЙ, Чеп маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 11 хонадан иборат бўлган А ва Б литерлардаги тураржой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 76 669 800 сўм.

X. Аукцион савдосига ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 21 майдаги 1-1809-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинсой тумани, «Оқарбулоқ» ҚФЙ, Оқарбулоқ маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 3 хонадан иборат бўлган А, Б, В литерлардаги тураржой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 100 541 105 сўм.

XI. Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 18 июндаги 1-2218-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, «Дашнабод» ҚФЙ, «Бўйрапўшт» МФЙда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. «Анвар Икромжон Омад» МЧЖга тегишли, ер майдони 52600,0 кв.м. бўлган товуқхона бинолари.

Бошланғич баҳоси — 420 000 000 сўм.

2. «Ибрат» КТХКга тегишли, ер майдони 4518,135 кв.м. бўлган АЁҚШ биноси.

Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

XII. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-1404/24717-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчасида жойлашган, «Жанубий ОКС» МЧЖга тегишли, ер майдони 317,1 кв.м., 19 хонадан иборат бўлган биринчи қаватдаги маиший хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 107 000 000 сўм.

XIII. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Бўстон маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, ер майдони 443,89 кв.м., 16 хонадан иборат бўлган икки қаватли идора-дорихона бинолари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 98 559 532 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 23 ноябрь куни соат 18.00.

XIV. Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2012 йил 11 октябрдаги 2-42-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ, Янги ҳаёт маҳалласида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м., 14 хонадан иборат бўлган, 2011 йилда қурилган, 1 қаватли уй-жой 5 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 49 727 208 сўм.

XV. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 июндаги 19-1306/3110-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Баркамол авлод ва Кўзмунчоқ кўчалари кесишувида жойлашган, «Muzrabot-invest» МЧЖга тегишли, умумий майдони 190,96 кв.м., 3 қаватли, 15 хонадан иборат бўлган савдо дўкони ва офис биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 615 388 300 сўм.

XVI. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Беруний кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» МЧЖга тегишли, умумий майдони 582,55 кв.м., 15 хонадан иборат бўлган 2 қаватли ертўлали дорихона биноси 10 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 241 873 171 сўм.

XVII. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Шўрчи тумани, Амир Темур кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» хусусий дорихонасига тегишли, умумий майдони 764,58 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 25 хонадан иборат маъмурий бино ва савдо дўконлари биноси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 244 782 865 сўм.

2. Шўрчи тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Ободон маҳалласида жойлашган, ер майдони 5379,33 кв.м. бўлган, бостирма, қоровулхона бинолари ва темир-бетон тўсиқ бинолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 344 975 742 сўм.

3. Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 26-уйда жойлашган, ер майдони 2036,0 кв.м. бўлган уй-жой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 316 920 083 сўм.

4. Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 50-уй, 2-қават, 7-хонадонда жойлашган, ер майдони 92,6 кв.м бўлган уй-жой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 37 326 616 сўм.

XVIII. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 9 декабрдаги 19-1404/7845-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, Катта ҳаёт маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, «Жавоҳир Ҳилола» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 28,42 кв.м., 1 қаватли, 1 хонадан иборат бўлган маиший хизмат кўрсатиш дўкони такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 54 000 000 сўм.

XIX. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов номли маҳаллада жойлашган, умумий майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат бўлган, 2006 йилда қурилган «Дилором» болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой) 1 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 275 950 738 сўм.

XX. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Ч. Қувондиқов номли маҳаллада жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м., 5 хонадан иборат бўлган тураржой 10 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 78 362 937 сўм 27 тийин.

XXI. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Бандихон» ҚФЙ, Бандихон маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 3 хонадан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 100 796 610 сўм.

XXII. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-1228-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги йўл» ҚФЙ, Етимқум маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 4 хонадан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 57 414 400 сўм.

XXIII. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-1211-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги ҳаёт» ҚФЙ, Кармаки маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 4 хонадан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 100 796 610 сўм.

XXIV. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-1229-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги ҳаёт» ҚФЙ, Кармаки маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 3 хонадан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 101 057 870 сўм.

XXV. Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 13 майдаги 1-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Янги йўл» ҚФЙ, Етимқум маҳалласида жойлашган, ер майдони 600 кв.м., 4 хонадан иборат бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 57 414 426 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 9 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz

15948/02

Хизматлар лицензияланган.

Спорт

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Жаҳон чемпионати совриндорлари тақдирланди

Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича XVIII жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари муносиб қатнашиб, ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор намоён этишди. Хусусан, нуфузли беллашувда Бектемир Меликўзиев, Муроджон Аҳмадалиев кумуш медаль ва 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган бўлса, Элшод Расулов бронза медалга сазовор бўлди.

Шу муносабат билан Фарғона ва Наманган вилоятларида ушбу спортчиларни тақдирлашга бағишланган тантанали маросимлар ташкил этилди.

Чунончи, Фарғона шаҳрида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида мамлакатимизда маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг иқтидор ҳамда истеъдодини юзага чиқариш, эзгу ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Фарғонада ҳам қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари кўпчиликни ташкил этади. Масалан, кейинги йилларда вилоят бокс мактаби вакиллари эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётгани барчамизга чексиз ғурур ҳамда ифтихор бағишлайди.

— Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Б. Меликўзиев. — Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган катта эътибор ва ғамхўрлиги, юртдошларимизнинг меҳр-муҳаббати ҳамда қўллаб-қувватлаши мени ҳамиша ғалаба сари руҳлантиради. Эндиликда 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиадада Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, ўзимга билдирилган ишончни оқлаш ниятидаман.

Бокс бўйича Осиё ўйинлари ғолиби, жаҳон чемпионати совриндори Элшод Расулов ҳам бугун нафақат фарғоналиклар, балки юртимиз фахрига айланган. У жаҳон чемпионатида 81 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари ўртасида ўз маҳоратини кўрсатиб, бронза медални қўлга киритди.

Тантанали маросимда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев сўзга чиқди.

Истиқлол йилларида Наманган вилоятида ҳам бокс жадал ривожланиб бораяпти. Бу ердан етишиб чиқаётган умидли спортчилар халқаро миқёсдаги мусобақаларда Ўзбекистон номини улуғлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Муроджон Аҳмадалиев — ана шундай навқирон авлод вакилларидан бири. У XVIII жаҳон чемпионатида кумуш медаль ва Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, юртдошларимизни яна бир бор хушнуд этди.

Куни кеча Наманган халқаро аэропортида ёш спортчи тантанали кутиб олинди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мураббийлар, спорт мухлислари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг баркамол бўлиб улғайиши учун кенг шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.

Н. СОБИРОВ,
Қ. НАЖМИДДИНОВ.

Олимпиадага яна бир йўлланма

Ўзбекистонлик спортчилар 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни бирин-кетин қўлга киритмоқдалар.

Енгил атлетика бўйича терма жамоамиз аъзолари Ситора Ҳамидова ва Марина Хмелевская марафондан, Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича, Суҳроб Хўжаев босқон улоқтириш йўналишида тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига бориши ҳақида илгари хабар бергандик. Энди уларнинг сафига яна бир атлетимиз — Бобур Шокиржонов қўшилди. У яқинда Душанбе шаҳрида ўтказилган турнирда найзани 84,24 метр масофага отишнинг уддасидан чиқди. Бу белгиланган меъёрдан ҳам юқори натижа эканлиги, айниқса, қувончлидир.

М. ҚОСИМЖОНОВ
тайёрлади.

САДОҚАТ ВА ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, оила — муқаддас қўрғон. Барча эзгуликлар ибтидоси, манбаи, ҳаёт бардавомлигининг асосидир. Шу боис юртимизда оила улуғланади, уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Айниқса, истиқлол йилларида ушбу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олди. Оила институти ривожлантирилди. Бунинг самараси эса хонадонларимиздаги аҳиллик, тотувлик, файзу барака мисолида яққол намоён бўлади. Қолаверса, шу пайтгача ҳеч бир мамлакатда жамият пойдевори саналмиш оилага ҳайкал қўйилмаганининг ўзиёқ Ўзбекистонимизда инсон манфаатлари — бош мезон эканлигининг яна бир тасдиғидир.

Монументга назар соламиз. Юртбошимиз ғояси асосида, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Равшан Миртожиев ва у бошчилигидаги ҳайкалтарошлар гуруҳи томонидан бунёд этилган ушбу маҳобатли ҳайкалда бири-бирини асраб-авайлаб, елкадош бўлиб, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган ва диёрини бутун дунёга танитиб, халқимизнинг ҳақиқий таянчи ҳамда суянчи бўлиб қолаётган бағрикенг оилалар аъзолари тимсоли гавдалантирилган. У ўзида чўл синовлари ва қийинчиликларида тобланган воҳа аҳлининг юксак сабот ҳамда матонати, орзу-умидлари, буюк келажакка бўлган ишончини тўла-тўкис мужассамлаштирган. Хусусан, оила бошлиғи сийратида бор куч-қуввати ва меҳрини ойласи ҳамда фарзандларига, эл-юртига бахш этган, қўли қадоқ, бағрикенг, фидойи ҳамда заҳматкаш ота, она тимсолида эса мунис ва меҳрибон ўзбек аёли намоён бўлган. Обида пойидаги тегирмон тоши замонлар алмашинуви, авлодлар бардавомлиги билан бир қаторда, ризқ, барака ва фаровонлик рамзини ифодалайди.

Айтиш жоизки, ушбу бетакрор маданий ёдгорликнинг шаҳар бош майдонида қад ростлаши вилоят марказидаги улкан бунёдкорлик ишларининг ғоявий тарҳини белгилаб берди. Монумент очилган кундан буён ўтган тўққиз йил мобайнида мазкур кент халқимиз бунёдкорлик салоҳиятидан далолат берувчи замонавий ва навқирон шаҳарга айланди. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрининг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва қурилишининг истиқболли режаси дастури тўғрисида”ги қарори асосида Мустақиллик майдони тубдан реконструкция қилинди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Қарши темир йўл вокзали ҳам капитал таъмирланди. Насаф, Ўзбекистон ва Амир Темур шоҳкўчалари кенгайтирилди. Ҳудуддаги кўплаб тарихий ёдгорликларда реконструкция ишлари бажарилди. Қувонарлиси, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда “Эл-юрт таянчи” монументи Қашқадарё вилоятининг ўзига хос рамзи, ташриф қоғозига айланган. Эндиликда воҳага келаётган меҳмонлар, сайёҳлар ушбу мажмуани зиёрат қилиб, халқимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдалар. Энг муҳими, “Эл-юрт таянчи” монументида акс этган ҳаёт ҳақиқати, замонлар ўтса-да, бутун жаҳонга мафтункор юртимизнинг қандай боқий қадриятлар туфайли абадий эканини англатиб туриши, шубҳасиз.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Соғлом турмуш тарғиботи

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида мамлакатимизда тиббий патронаж хизматининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар қатнашди.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаси сингари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Бинобарин, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тўққиз ярим миллион нафар фертиль ёшидаги аёл, саккиз миллион нафардан ортиқ бола чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилганлиги, касаллик аниқланганларнинг босқичма-босқич соғломлаштирилаётгани ана шундай хайрли тадбирларнинг амалдаги ифодасидир.

Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашда патронаж хизматининг алоҳида ўрни бор. Ушбу йўналишда мукаммал тизим яратилган бўлиб, ҳозир уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти, юздан зиёд оилавий поликлиника мавжуд. Уларда ўн минг нафардан зиёд умумий амалиёт врачи ҳамда 17 минг нафар ҳамшира фаолият кўрсатаяпти. Барча тиббиёт масканининг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланаётгани, мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларидан оқилона фойдаланилаётгани ижобий самара бераётир.

Тадбирда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарғиботига оид саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириш, шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда ташкил этилган “Саломатлик секторлари” тиббий патронаж фаолияти самарадорлигини янада ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда “Соғлом она — соғлом бола” миллий моделининг улкан самаралари, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимизга тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган маърузалар тингланди. Эришилаётган ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган масалалар, уларни ҳал этишда патронаж хизмати зиммасида турган вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон давлат санъат музейида таниқли мусаввир Юсуф Елизаровнинг кўргазмаси давом этмоқда.

Тасвирларда юрт манзаралари

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилаётган ушбу тадбирда мусаввирнинг портрет жанрида яратилган асарлари, шунингдек, Самарқанд шаҳри, у ердаги осориатиқалар, муқаддас қадамжолар тасвирига оид суратларга урғу берилган. Таъкидлаш керакки, рассом ижодида меҳнат ва табиат мавзуси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи рассом Римма Гаглоеванинг ижодий ишлари кўргазмаси очилди.

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб уюштирилган ушбу кўргазмадан муаллифнинг элликдан зиёд асарлари ўрин олган. Таъкидлаш керакки, рассом ижодида дастгоҳли рангтасвир асарлари билан бир қаторда, пейзаж, натюрморт йўналиши ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Чунончи, юртимизнинг сўлим гўшалари акс этган манзаралар, оддий ва меҳнаткаш инсонлар сиймоси санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотаяпти.

Дилфуза ҚАРШИБОЕВА,
Моҳира АДИЗОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2012 йил 20 ноябрдаги 23-1207/12971-сонли, 2013 йил 20 мартдаги 23-1303/1519-сонли ва 2014 йил 11 августдаги 23-1404/6069-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Мўйноқ тумани, Ажиниёз кўчаси, 70-уйда жойлашган, умумий майдони 861,0 кв.м. бўлган 2 қаватли «Гулсара» маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 312 339 600 сўм.

2. Аукцион садосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2013 йил 9 ноябрдаги 1-417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, О. Сулайманов кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, 1- қавати дўкон, 2-қавати турaржой бўлган, 2 қаватли қурилиши тугалланмаган бино такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси —530 826 560 сўм.

3. Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Кегейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Қизил уй» ОФЙда жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган 2 қаватли колбаса цехи биноси ва ундаги жиҳозлар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 669 818 448 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 12 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 10 ноябрь куни соат 18.00. Мазкур кўчмас мулклар 2015 йил 12 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 27 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2015 йил 27 ноябрь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 25 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz

16044/02

Хизматлар лицензияланган.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қизилтепа тумани СИБ томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2014 йил 16 июндаги 1-269/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилтепа тумани, Алишер Навоий номли МФЙда жойлашган, ер майдони 2700,0 кв.м., қурилиш майдони 410,76 кв.м. бўлган ресторан ва савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 896 756 053 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 25 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (0-436) 224-44-01, 224-15-61. www.1kms.uz

1603A/2

Хизматлар лицензияланган.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Тошкент шаҳар филиали

қуйидагиларни маълум қилади.

«Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ҳозирги кунда савдоларида турган, «Toshkent qog‘ozi» МЧЖга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган:

● (5077 кв.м. бўлган умумий фойдаланишдаги ер майдонининг 1/5 қисми, яъни 1015 кв.м.) умумий майдони 12214 кв.м., фойдаланиш майдони 8354,22 кв.м. бўлган, 0041, 0042, 0043, 0044, 0044-1, 0045, 0046, 0047, 0048, 0049, 0050, 0051, 0052, 0053, 0054, 0056, 0058, 0059-литерлардаги 1-ҳудуд бино-иншоотлари мулкий мажмуаси;

● (5077 кв.м. бўлган умумий фойдаланишдаги ер майдонининг 1/5 қисми, яъни 1015 кв.м.) умумий майдони 3448 кв.м., фойдаланиш майдони 2348,26 кв.м. бўлган, 0001, 0002, 0003, 0014, 0015, 0016, 0057-литерлардаги 2-ҳудуд бино-иншоотлари мулкий мажмуаси;

● (5077 кв.м. бўлган умумий фойдаланишдаги ер майдонининг 1/5 қисми, яъни 1015 кв.м.) умумий майдони 8952 кв.м., фойдаланиш майдони 6264,10 кв.м. бўлган, 0004, 0005, 0006, 0007, 0008, 0009, 0010, 0011, 0012, 0013, 0017, 0018, 0019, 0020, 0021, 0022, 0025-литерлардаги 3-ҳудуд бино-иншоотлари мулкий мажмуаси;

● (5077 кв.м. бўлган умумий фойдаланишдаги ер майдонининг 1/5 қисми, яъни 1015 кв.м.) умумий майдони 12697 кв.м., фойдаланиш майдони 8765,51 кв.м. бўлган, 0023, 0024, 0026, 0027, 0028, 0029, 0030, 0031, 0032, 0033, 0055, 0060-литерлардаги 4-ҳудуд бино-иншоотлари мулкий мажмуаси;

● (5077 кв.м. бўлган умумий фойдаланишдаги ер майдонининг 1/5 қисми, яъни 1015 кв.м.) умумий майдони 3209 кв.м., фойдаланиш майдони 2896,31 кв.м. бўлган, 0034, 0035, 0036, 0037, 0038, 0039, 0040-литерлардаги 5-ҳудуд бино-иншоотлари мулкий мажмуаси;

● ер майдони 8565,0 кв.м., бино-иншоотларнинг майдони 3896,0 кв.м. бўлган картон цехи мулкий мажмуалари аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 2015 йил 21 октябрдаги АА-8064/24-сонли хати ва «Toshkent qog‘ozi» МЧЖнинг 2015 йил 21 октябрдаги 334-сонли хати.

Манзил: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 34-уй, 114/1-хона. Телефон: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz

1601A/2

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканали ДУК жамоаси телеканал олий тоифали режиссёри Шамсиддин Хусамиддиновга падари бузруквори

ФАТХУДДИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zsuvloyiha” акциядорлик жамияти жамоаси сув хўжалиги тизими фахрийси

Абдураҳим Абдураҳмонович ЖАЛОЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5